“УСУЛ АЛ-ПАЗДАВИЙ” АСАРИДА ИСТИНБОТ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

EXPLANATION OF THE RULES OF ISTINBAD IN THE WORK “USUL AL-PAZDAWI”

ОБЪЯСНЕНИЕ ПРАВИЛ ОТСЧЕТА В ТРУДЕ «УСУЛ АЛ-ПАЗДАВИ»

GAYBULLAYEV Saidahmadkhon Samatkhonovich,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
PhD., Lecturer of the IRCICA chair for Islamic history and source studies
e-mail: saidiy4200@gmail.com
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2025/2/3

Аннотация: *Мақолада ислом илмларининг энг мураккаб тармоғи бўлган усул ал-фиқҳ фанидаги истинбот қоидалари ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти тадқиқ этилган. Ушбу фанга оид илк асар ҳижрий II (мелодий VIII) аср охирларида Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий томонидан ёзилган бўлса-да, шаръий матнларни тушуниш ва ундан амалий-ҳуқуқий ҳукмлар олишнинг муайян тартиби, қиёс, носих-мансух, саддуз-зароиъ каби қоидалар аввалдан амалий ва назарий кўринишда мавжуд эди. Мазкур қоидалар тартиби умумий тарзда саҳобаларга таълим берилган ва улар шогирдлари – тобеъинларга ўргатиб, амалиётда кўрсатиб боришган. Тобиийнларнинг давомчилари табаъа тобиийн даврига келиб ислом ҳуқуқи фиққий мазҳаблар шаклида тўлиқ намоён бўлди. Истинбот шаръий матнлар – Қуръон ва суннатдан шаръиат нормалари-аҳкомларини аввало фаҳмлаб етиш, аниқлаш ва чиқариб олиш амалиётидир. Бу ишда араб тилини мукаммал билишдан ташқари, тафсир, ҳадис, усул ал-фиқҳ, салаф уламоларининг ижмо ва ихтилофлари пухта ўзлаштирганлик ҳамда луғат-қиёс илмини билиш талаб этилади. Шунингдек, шаръиатнинг умумий тамойиллари, мақсадлари билан бирга халқларнинг урф-одати, шарт-шароитини ҳам тўлиқ ўрганиб чиқиш шарт этилади. Шариат матнларидан ҳукм олишда мужтаҳид олимлар томонидан шакллантириб, тартибга солинган тизим – “олтин қоидалар” мавжуд бўлиб, улар махсус илм усул ал-фиқҳ ёки усул фани номи остида ўрганилади. Қуръон оятлари ва ҳадисларни маъносини билишнинг ўзи улардан ҳукм чиқариш учун етарлик эмаслиги, улардан ҳукм чиқариш чуқур мантиқий таҳлил қилишга боғлиқ экани билан изоҳланади.*

Усул ал-фиқҳ мазкур мантиқий узвийликни ўргатувчи фан бўлиб, унинг қоидаларидан тўлиқ хабардор бўлиш, уларни бир бутунликда ўзаро таҳлил қила олиш малакасига эга бўлган саҳобалар энг ибратли даврда «фақиҳ саҳобалар» номи билан аталган. Доктор Салоҳ Абулҳож қайд этишича, уларнинг сони 20 кишидан ортиқ эмас. Саҳобалар орасида ҳам саноқлилари Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олишдек масъулиятли, вазифани амалга оширар эдилар. Исломда усул ал-фиқҳ қоидаларининг тизимлаштирилгани ушбу диндаги барча меъёрлар маълум бир меъёр, тартиб ва тизимга асосланганини кўрсатади. VIII-IX асрларда шаклланган мазҳаблар таълимоти – ислом ҳуқуқи, қонун ишлаб чиқиш тизимини тадқиқ этишда усул ал-фиқҳ илми мавзуларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий (1009-1089)нинг “Усул ал-Паздавий” асаридаги истинбот қоидалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, ҳанафий усул қоидалари асосида ҳадислардан ҳукм истинбот қилиш шартлари ва қоидалари таҳлил этилган.

Annotation: *The article examines the rules of istinbat in the field of usul al-fiqh, which is the most complex branch of Islamic sciences, and their scientific and practical significance. The initial work related to this science was written by Muhammad ibn Idris al-Shafi’i towards the end of the 2nd century Hijri (8th century Gregorian). The understanding of religious texts and the process of deriving practical-legal judgments from them, including rules such as comparison, abrogation, and the prohibition of certain actions, were previously established in both practical and theoretical forms. The aforementioned rules were generally taught to the companions, who in turn instructed their students, the Tabi’in, by demonstrating in practice. The successors of the Tabi’in, during the era of the Tabi’in, saw the complete manifestation of Islamic law in the form of jurisprudential schools. ‘Istinbat’ is the process of understanding, clarifying, and deriving the norms and rulings of Sharia from the texts of the Quran and Sunnah. In addition to perfect knowledge of the Arabic language, this work requires a thorough mastery of tafsir, hadith, usul al-fiqh, the consensus and disagreements of the Salaf scholars, and knowledge of the science of vocabulary and analogy. It is also necessary to fully study the customs and conditions of the people, along with the general principles and goals of Sharia. A system known as the “golden rules” exists for deriving judgments from Sharia texts, which has been developed and organized by qualified scholars. This system is studied under the specific discipline of the science of jurisprudence or methodology. Understanding the meanings of Quranic verses and hadiths alone is insufficient for deriving rulings; such derivation is contingent upon a profound logical analysis.*

The science of Usul al-Fiqh teaches this logical coherence, and those companions who were fully aware of its principles and possessed the skill to analyze them as a cohesive whole were referred to as the «Fuqaha Companions» during the most exemplary period. Dr. Saloh Abulhoj notes that their number does not exceed 20 individuals. Among the companions, only a few were responsible for deriving rulings from the Quran and Hadith. The organization of the principles of Usul al-Fiqh in Islam indicates that all norms within this

religion are based on specific standards, order, and system. The teachings of the schools of thought that developed in the 8th to 9th centuries are crucial for studying the science of Usul al-Fiqh, particularly in the context of Islamic law and the legislative process.

This article examines the principles of inference outlined in the work "Usul al-Pazdavi" by Fakhr al-Islam Ali ibn Muhammad Pazdavi (1009-1089). Additionally, it analyzes the conditions and rules for deriving legal judgments from hadith based on the Hanafi methodology.

Key words: *theory of Islamic law, direction of mutakallims, direction of jurists, direction of scholars, qiyas, nasikh-mansukh, sad az-zaroi, qadi (judge), owners-taxrij.*

Аннотация: *В статье рассматриваются правила вывода в науке усул ал-фикх – одной из наиболее сложных отраслей исламских наук – и их научное и практическое значение. Несмотря на то, что первая работа по этому методу была написана Мухаммадом ибн Идрисом аш-Шафии в конце II века хиджры, некоторые процедуры и правила, такие как «насих-мансух», «сад аз-зароиъ», «кийяс», уже существовали на практике и применялись для понимания текстов шариата и разработки практических юридических норм. Данные правила, как правило, передавались сподвижникам, которые обучали им своих учеников и показывали способы их практического применения. Ко времени табиинов и преемников табиинов исламское право полностью оформилось в виде правовых школ. Истинбат – это процесс первоначального понимания, определения и извлечения норм и постановлений шариата из его основных источников – Корана и Сунны. Помимо глубокого знания арабского языка, данный процесс требует владения тафсиром, хадисоведением, усул ал-фихом, а также понимания консенсусов и разногласий среди учёных-салафов, знаний лексики и аналогии. Кроме того, необходимо всесторонне изучать обычаи и условия жизни народа, а также общие принципы и цели шариата. При выводе постановлений из шариатских текстов действует система «золотых правил», сформированных и регламентированных учёными-муджтахидами, которые изучаются в рамках специальной науки усул ал-фикх.*

Усул ал-фикх – это наука, обучающая логической последовательности. Сподвижники, полностью овладевшие её правилами и обладающие способностью к их комплексному анализу, в наиболее значимый период истории именовались «сподвижниками факиха». Среди них лишь немногие получали правовые суждения непосредственно из Корана и хадисов; по мнению доктора Салаха Абулхаджа, их число не превышает двадцати человек. Знание смыслов аятов Корана и хадисов само по себе недостаточно для вынесения правовых решений, поскольку их оценка требует глубокого логического анализа. Систематизация правил усул ал-фикха в исламе свидетельствует о том, что все нормы этой религии основаны на определённом стандарте, порядке и системе. Изучение тем усул ал-фикха имеет важное значение для понимания учения правовых школ, сформировавшихся в VIII – IX веках, а также для изучения системы исламского законодательства.

Ключевые слова: *усул ал-фикх, направление мутакаллимов, направление факихов, направление ученых, кийяс, насих-мансух, сад аз-зарaиъ, кади (судья), асхабу-т-тахридж.*

КИРИШ

Истинбот шаръий матнлар – Қуръон ва суннатдан шариат ҳукмларини кенг доирада фаҳмлаб етиш ва чиқариб олиш амалиёти бўлиб, унда араб тилини мукаммал билишдан ташқари, тафсир, ҳадис, усул ал-фиқҳ, салаф уламоларининг ижмо ва ихтилофлари, луғат ҳамда қиёс илмини билиш талаб этилади. Шунингдек шаръиатнинг умумий тамойиллари, мақсадлари билан бирга инсонларнинг урф-одати, шарт-шароитини ҳам тўлиқ ўрганиб чиқиш шарт этилади. Шариат матнларидан ҳукм олишда мужтаҳид олимлар томонидан шакллантириб, тартибга солинган тизим – олтин қоидалар мавжуд бўлиб, ушбу қоидалар умумий усул ал-фиқҳ ёки усул илми номи остида ўрганилади. Ҳанафий усул қоидаларига гўзал тартиб берган Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий (1009-1089) ҳадислардан ҳукм истинбот қилишда қуйидаги учта шартни келтирган бўлиб, ушбу қоидалар оҳод ҳадисларни ҳужжат сифатида қабул қилишда татбиқ этилади. Зеро, ҳадисларнинг мутавотир тури сон-саноқсиз ровийлардан эшитилган ва амалда бўлиб келгани сабаб, уларни мусулмон уммати бир овоздан ҳужжат эканига иттифоқ қилишган.

УСЛУБЛАР

Мақоланинг асосий мақсади – ислом ҳуқуқи назарий методлари, қонунияти, масалаларни таҳлил этишда қўллаган ёндашувлари ва услубларини тадқиқ этиш. Вазифалар фаннинг тарихий шаклланиш босқичлари, унда шаклланган йўналишлар ва ҳар бир йўналишнинг ёндашувларини аниқлашдан иборат. Тадқиқотда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, матнларни контент-анализ қилиш ва қиёслаш каби усуллардан фойдаланилган.

НАТИЖА

Оҳод ҳадиснинг ҳукми «علم النظري – текшириб кўриш керак бўлган илм»ни ифода этгани учун олимлар уларни саҳиҳ (ишонч)ли эканини тасдиқдан

ўтказадиган муайян шартлар ишлаб чиқганлар. Ушбу шартлар орқали аввало ҳадис ровийсининг шахсияти ўрганилади ва иккинчидан ҳадиснинг матни Қуръон оятлари ҳамда шу мавзудаги ишончли ҳадислар мазмунига, араб тили қоидаларига, тарихий даврга тўғри келиши текширилган. Уламолар саҳиҳ ҳадиснинг шарти қуйидаги бешта эканига иттифоқ қилишган.

1. Ҳадис санадининг муттасиллиги,
2. Ровийнинг адолатли экани исботланиши,
3. Ровий забтининг мустаҳкамлиги,
4. Ҳадис матнининг шозликдан холи бўлиши,
5. Ҳадис матнининг путур етказувчи иллатдан ҳоли бўлиши.

Биринчи шартдаги санад муттасиллиги – ҳадисни ривоят қилаётган ровийлар занжири Расул (алайҳиссалом)гача узлуксиз боғланган бўлишини, учинчи шартдаги "Забт" – ҳадисни ёдлаб олиш ёки китобга тушириш орқали бехато, тўлиқ шаклда ўзидан кейинги ровийга етказиш малакасини, биринчи шартдаги шоз луғатда "яккаланиб қолиш", "бошқалардан ажралиб туриш" маъносини билдириб, ҳадисдаги шозлик унда бошқа бир неча ишончли ҳадисларга хилоф бўлган маъно мавжудлигини назарда тутади.

Айтиш керакки, ҳадисни саҳиҳ ёки заифлигини аниқлаш «عِلْم – илмий тажриба ва тафаккур»га таянган амалиёт бўлгани учун олимлар томонидан мазкур беш шартнинг чегараси борасида жузъий тафовутлар мавжуд ва илмий доирада бир муҳаддис ёки фақиҳ заиф деб ҳукм қилган ҳадисни бошқа бир фақиҳ ёки муҳаддислар жамоаси шартига тўғри келгани сабаб унга саҳиҳ ҳукми берилишини ҳеч ким инкор этмайди, қораламайди ҳам. Ўтган асрнинг йирик муҳаддис ва фақиҳ олими Зафар Аҳмад Усмоний (1892-1974) мазкур тамойилларни изоҳлаб қуйидагиларни ёзган: «Ҳатто, муҳаддислар ўртасида ҳам бу борада айрим фарқлар мавжуд, жумладан, Имом Бухорийнинг ҳадис санадининг муттасиллигига «Ровий шайхи билан бир марта бўлса ҳам учрашгани ҳақидаги хабар мавжуд бўлишини» шарт қилса, Имом Муслим (821-875) ровий шайхи билан замондош бўлиши ва учрашиш имкони бўлганлигининг ўзини шарт қилган. Шунингдек, муҳаддис Ибн Ҳиббон (883-965) «мажҳул (танилмаган)» ровийнинг ҳадисини у ва шайхи ишончли бўлиш шарти билан мақбул (саҳиҳ) санаши билан бошқа муҳаддислардан ажралиб туради. Шундай экан, ҳанафийларнинг ҳам бу борада ўзига хос қоидалари, усуллари бўлиши табиий. Зеро, Расул (алайҳиссалом)дан бошқа барчанинг фикри рад этилиши ҳам, қабул қилиниши ҳам мумкин» (Usmoniy, 1984, p. 21).

Фақиҳлар саҳиҳ ҳадисларга ҳужжат сифатида «мақбул», заиф ҳадисларга «мардуд» (қабул қилинмаган) атамасини қўллашган. Фақиҳлар усулининг асосчиларидан бўлган Абу Ҳанифа ишончли авлод – тобеъин ва табаъа тобеъинлар – даврида яшагани учун ҳадисларни тадқиқ этишда асосан матнига эътибор қаратган, ҳадис матнига ёндашуви муттасиллик, умуман ровийга қўйилган шартларга анча енгилроқ, кенгроқ эди. Модомики ровий ишончли экан унинг шайхи номини аниқ айтмай «устозларимиздан бири», «Кўфалик ишончли бир киши» деб қилинган ривоятда зарари, заифлик йўқ, дейди. Шунга кўра Фахрул-ислом Паздавий Абу Ҳанифа шогирди имом Муҳаммаднинг: «Бизга устозларимиздан бир ишончли киши ҳадис айтди» деб ривоят қилган ҳадислари ишончлидир дейди (Pazdaviy, 2016, p. 444). Ушбу тамойил фақиҳлар усулида қоидага айлантирилган – ишончли ровий ҳадисининг санадида «ҳақиқий муттасиллик» бўлмаса-да, «ҳукман муттасил» ҳисобланади, уларга саҳиҳ деб ҳукм берилади ва шаръий ҳужжат сифатида қабул қилинади.

«Мурсал» ҳадисга амал қилиш мавзуси ҳам юқоридаги қонуниятлардан келиб чиққан ва бу анчагина машҳур масаладир. Мурсал ҳадис деб муҳаддислар истилоҳида тобеъин орадаги саҳобани зикр этмай, тўғридан-тўғри Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган ҳадис, фақиҳлар истилоҳида эса Расулуллоҳ билан учрашмаган ҳар қандай адолат (ишонч)ли киши тўғридан-тўғри Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ривоят қилган ҳадис тушунилади. Ташқаридан қараганда мурсал ҳадис санади узулган, шунинг учун ҳужжат эмасдек кўринса-да, бироқ мурсал ҳадисни ривоят қилган ровий умматнинг энг яхши авлодлари: саҳоба, тобеъин ёки табаъа тобеъин бўлгани учун ҳукман муснад (санади уланган) ҳисобланади.

Мурсал ҳадисга амал қилишда уламоларнинг учта ёндашуви мавжуд.

- Муҳаддислар мурсал ҳадис санади узилгани учун заиф, ҳужжат эмас, дейишган.
- Фақиҳларнинг аксари: Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас, Аҳмад Ҳанбал ва бошқалар мурсал ҳадисни қувватли ҳужжат санайдилар.
- Паздавий Имом Шофиъийнинг: «Мурсал бошқа бир жиҳатдан муснад экани исботланса, қабул қилинади. Шунга кўра, машҳур тобеъин Саид ибн Мусайябнинг мурсал ҳадисларини қабул қилдим, чунки уларни бошқа томондан муснад эканини топганман» деган сўзини келтириб, бу масалада олимнинг услуби ўзига хос эканини айтган.

Илмий жамоатчилик Имом Шофиъийгача ҳадисни мурсал тарзда ривоят қилишган ҳам ва унга

амал қилишган ҳам. Бу борада буюк тобеъин Ҳасан Басрийнинг: «Қачон сизларга «Фалончи (муайян шахс номини айтиб) менга ҳадис айтди» десам, ҳадисни биргина у ривоят қилган бўлади. Қачонки (Ўртада воситани зикр айтмай, тўғридан-тўғри) «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар» десам етмиштача ровийдан эшитган бўламан» (Badaxshoniy, 2015, p. 99) деган сўзлари машҳурдир.

Паздавий мурсални тўрт: саҳобийнинг мурсали, иккинчи ва учинчи авлод (тобеъин ва табаъа тобеъин)нинг мурсали, ундан кейинги давр адолат (ишонч)ли кишиларининг мурсали ва бир томондан мурсал иккинчи томондан муснад бўлган турларга тақсимлаб, саҳобанинг мурсал ҳадиси барча олимлар томонидан бир овоздан қабул қилинган, тобеъин ва табаъа тобеъиннинг мурсал ҳадиси эса ҳанафийлар наздида мақбул ҳисоблаб, бу қарашни саҳобалар амалиёти ва ақлий-мантиқий ҳужжат билан исботлашган, дейди. Саҳобалар амалиётига Оиша бинти Абу Бакр, Ибн Аббос, Баро ибн Озиб (разияллоҳу анҳум) ларнинг мурсал ҳолда ҳадис ривоят қилганлари ва унга амал қилганлари ҳамда Баро ибн Озибнинг: «Биз айтаётган барча ҳадисларни ҳам Расул (алайҳиссалоту вассаллам) дан эшитмаганмиз, балки баъзиларини бизга бошқалар айтиб берган. Лекин биз ёлғон гапирмаймиз» деган сўзлари келтирилган. Мантиқан қараганда ҳам ровий ҳадисни бирор ровийга боғласа, қабул қилинади ва ёлғон деб гумон қилинмайди. Энди у Расул (алайҳиссалоту вассаллам)га боғласа, бунда ёлғон деб гумон қилмаслик янада ҳақлироқ, муносиброқ бўлади. Одатий ҳаётда ҳам адолат (ишонч)ли киши ҳадис санади ва матнини жуда ҳам аниқлик билан билса, қисқа қилиб тўғридан-тўғри Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар, дейди. Агар иш у қадар бўлмаса, масъулиятни ўзи эшитган кишига юклаб қўя қолади (Pazdaviy, 2016, p. 392).

Мурсалнинг учинчи тури – аввалги уч авлоддан кейин келган ишончли шахсларнинг мурсали тарзда ривоят қилган ҳадислари бўлиб, уни ҳужжат экани борасида «баъзи машойих (устоз)ларимиз юқоридаги асосларга таяниб қабул қилишган, баъзилари эса бу замонда ёлғон ҳадислар тарқалгани учун мурсалнинг санадини айтиб бермагунича қабул қилишмаган, дейди Фахрул-ислом Паздавий.

Имом Шофиъий ва муҳаддислар авлоди ҳижрий иккинчи аср сўнги ва учинчи асрда – жамиятда ёлғон ҳадис тўқиш амалаёти пайдо бўлган бир даврда – яшаганлари учун ҳадисларни текширишда ровий шахсиятини диққат билан ўрганишган ва Ровийлар ва санадга доир кўплаб таснифлар ва қоидалар ишлаб чиқишган. Санаддаги узулишни: мунтқатиъ, марфуъ, мурсал, муъаллақ, мавқуф, мақтуъ, муъзал, мақлуб, шоҳид, мутобиъ, муъанъан каби турларга таснифлаб ўрганишган. Ровийларни эса: сиқа, садуқ, заиф, возиъ, мусаҳҳиф, муҳарриф, мудаллис, шоз, мункар, маъруф, музтариб, муҳмал каби тақсимотларга ажратишган. Айнан шу даврда илк бора мурсал ҳадис ҳужжатлиги масаласини баҳс қилиб, уни қабул қилишда маълум шартларни қўйишган.

Фақиҳлар усули мазкур даврдан олдинроқ шаклланган учун муҳаддислардан фарқли равишда ҳадиснинг матнини ўрганиш ва шаръий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида фойдаланишга катта аҳамият қаратишган ва усул ал-фиқҳ қоидалари асосида муҳаддислар эътиборидан бошқа томондаги кўплаб жиҳатларни тадқиқ этишган. Фақиҳлар ҳадис матнига қўйилган икки шартни умумий қилиб, «иллат» дан холи бўлиш шарти сифатида талқин этиб, муҳаддислар қабул қилган кўпгина ҳадисларни матнидаги «иллат» сабаб рад этишган. Ушбу масалани Паздавий «نطاق العاطل – Яширин узулиш» мавзусида: «Ҳадислардаги иллат уларни асл манбаларга солиштириш билан аниқланади ва улардан бирортасига хилоф келса мардуд (шаръий ҳужжат сифатида қабул қилинмаган) ва мунқатиъ (узилган) ҳисобланади» дея тўрт турга тасниф этган. Улар:

- Аллоҳнинг китобига хилоф келиб қолиши,
- Суннатга хилоф келиб қолиши,
- Машҳур ҳодисалар ва кўпчиликда содир бўладиган ишларни ёлғиз ровий томонидан, ёки бошқалардан фарқли равишда ривоят қилиниши,
- мазкур ҳадисни катта саҳобалар амал қилмай рад этишлари» (Pazdaviy, 2016, p. 409).

МУҲОКАМА

Аслида ҳадис ва Қуръони карим маъносида ҳақиқий қарама-қаршилик бўлмайди. Аммо уларни кетма-кетлик тартибини билмаслик, ровий воқеани аслидан бошқача тушуниб, ривоят қилиши, айрим ровийларнинг хато ривоят қилиши натижасида оз сонли ҳадислар кўп сонли ҳадисларга, ўзидан ишончли мутавотир ҳадис ва оятга мувофиқ келмаслиги мумкин. Фақиҳлар, усулий олимлар мазкур ҳадисларга бошқа манбалар, луғат ва мантиқий мезонлар асосида таҳлил қилиб, муносиб баҳосини берганлар.

Оҳод ҳадис Қуръон **оятига хилоф келиб қолса, оят маъноси олинади,** чунки у «علم اليقين – қатъий ишончли илм»ни, оҳод ҳадис эса « علم النظري – текшириб кўриш керак бўлган илм»ни ифода этади. Шунингдек, ҳанафий мазҳабида оҳод хабар сабабли оят ҳукмини ўзгартириш жоиз (мумкин) эмас.

Фотима бинт Қайснинг: «Пайғамбар алайҳиссалом (иддадаги аёлга) нафақа ҳам турар жой ҳам тайинламадилар» ҳадиси Талоқ сурасининг ٦-ояти «أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنتُم مِّن وُجْدِكُمْ» «У (аёл)лларга, имконингиз борича, ўзингиз яшаб турган жойдан жой беринг»га хилоф келгани учун ҳужжат сифатида олинмайди. Зеро, ушбу ҳадис оятда очиқ айтилган “иддадаги аёл турар жой ва озиқ-овқат билан таъминланиши кераклиги” мазмунга зид келмоқда. шунинг учун ҳам Умар ибн Хаттоб (р.а.)га бир ўринда ушбу ҳадис зикр этилганда: “Бир аёлнинг хабари билан Аллоҳнинг Китоби ва Набий (с.а.в.) нинг суннатини тарк этмаймиз. Балки ёдлагани эсидан чиқиб қолгандир” деган эди (Pazdaviy, 2016, p. 376).

Машҳур ҳодисалар борасида кўпчиликнинг ривоятига хилоф мазмунда бир кишининг ривоят қилган ҳадиси ҳам иллатли саналиб, унга амал қилинмайди. Жумладан, саҳоба Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Намозда Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим»ни жаҳрий (баланд овозда) айтар эдилар» деб ривоят қилган ҳадис бошқа кўпгина саҳобаларнинг ҳадисларига хилоф бўлгани учун қабул қилинмаган, дейди Паздавий. Абу Жаъфар Таҳовий (843-933) «Шарҳу Маъонил осор» (Ривоятлар маънолари шарҳи) китобида юқоридаги ҳадисга хилоф бўлган йигирмадан ортиқ ривоятларни, улар орасида Анас розияллоҳу анҳунинг:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ يقَول: صَلَّيْت خَلْفَ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُثْمَانَ فَلم اسمع احدا منهم بجَهْرَ بِبِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

«Набий алайҳиссаллам, Абу Бакр, Умар, Усмон (разияллоҳу анҳум)лар ортларида намоз ўқидим, бирорталаридан «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим»ни жаҳрий айтганларини эшитмадим» дея ривоят қилган ҳадисини келтирган ва Набий (алайҳиссалом) нинг намоз ўқиш кайфияти ҳар куни такрорланган ва машҳур ҳодиса бўлиб, ундаги қайсидир ҳолат атига бир киши томонидан кузатилиши мумкин эмас, дея хулоса қилган (Tahoviy, Sharhu Ma’onil osor, 1997, p. 202).

Фахрул-ислом Паздавий «Ровийнинг ўзи томонидан инкор ҳолатлари фаслида» ҳадис матнидаги иллатни аниқлаш мавзусига алоқадор қуйидаги масалаларни таҳлил қилган:

- саҳобанинг ривоят қилган ҳадисини эслай олмаслиги ёки уни ривоят қилганини рад этиши,
- амалда ривоят қилган ҳадисига ўзи амал қилмаслиги, ёки хилофини тутиши,
- ҳадиснинг маъносини саҳобий бир мазмунга чеклаб изоҳ бериши.

Биринчи масала бўйича имом Абу Юсуф ровий ривоят қилган ҳадисини эслай олмаса ёки уни ривоят қилганини рад этса, ундай ҳадис ҳужжат сифатида амал қилинмайди, дейди ва сўзини Аммор ибн Ёсир халифа Умарга биргаликда бўлган бир воқеани эслатганида, Умар эслай олмаган ва Аммор ишончли киши бўлишига қарамай ривоятини қабул қилмагани ҳодисаси билан далиллаган. Имом Муҳаммад эса бу ҳолатда ҳужжат бўлишини машҳур «Зул ядайн» ҳадиси билан далиллаган. Шунга ўхшаш ҳолат Абу Юсуф ундан ривоят қилинган имом Муҳаммаднинг «ал-Жомиъ ас-сағир» асарида бир неча масалани инкор этган ва қабул қилмаган, аммо имом Муҳаммад уларни саҳиҳ деб қабул қилган.

Масалада Абу Юсуфнинг қараши тўғрироқ бўлиб, Абу Ҳанифа ҳам шу қарашда бўлгани ва Абу Ҳанифа Ибн Шиҳоб Зуҳрий (ваф. 742 й.)нинг Сулаймон ибн Мусодан Оиша разияллоҳу анҳонинг:

قال: ايما امراة نكحت بغير إذن وليها فنكاحها باطل عن النبي عليه الصالة والسالم انه

«Набий (алайҳиссалом) айтдилар: «Қайси бир аёл валийсининг рухсатисиз никоҳланса, унинг никоҳи ботил (бекор)дир» дея ривоят қилган ҳадисини қабул қилмаганида кўринади. Олим ҳадисни шаръий ҳужжат сифатида қабул қилмаганига сабаб Ибн Журайж (ваф. 767 й.) имом Зуҳрийдан ушбу ҳадисни сиз ривоят қилганмисиз, дея сўраганида у эслай олмаган (Tahoviy, Sharh ma’onil asar, 2005, p. 358). Қизнинг отаси, ака-укаси, амакиси, тоғаси каби яқин эркак қариндоши унинг валийси ҳисобланади ва уни турмуш чиқишида мазкур вакилларнинг розилиги жуда муҳим бўлсада, аммо никоҳнинг қонунийлигида асосий шарт эмас.

Саҳоба ўзи ривоят қилган ҳадисига ҳали ривоят этмасидан олдин ёки ҳадисни эшитишидан олдин унга хилоф амал қилган бўлса, иллат ҳисобланмайди ва ҳадис ҳужжатлигича қолади. Сабаби ҳадисни билганидан сўнг унга амал қилган деб, эҳтимол қилинади. Аммо Саҳоба ҳадисни ривоят қилганидан кейин унга хилоф амал қилиши, унинг насх бўлганига ишорадир. Чунки саҳобалар Набий (алайҳиссалом)дан бир нарсани эшитиб уни тарк қилишлари мумкин эмас, ундай қилсалар сўзлари ҳам ривоятлари ҳам қабул қилинмайдиган бўлиб қоларди, дейди Паздавий ва шунга кўра Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳунинг Набий (алайҳиссалом)дан «рафъул ядайн» (рукуга бориш ва қайтишда қўлларни кўтариш) ҳақидаги ҳадиси унинг амалига зид келгани[1] учун қабул

[1] Абдуллоҳ ибн Умарнинг шогирди Мужоҳид: الافتتاح قال: صحبت عبد الله بن عمر عشر سنين، فلم اره يرفع يديه إلا في تكبيرة .“Ибн Умарнинг ёнида ўн йил юрдим ва намоз ўқиганида аввалги такбирдан бошқа бирор жойда қўлини кўтарганини кўрмадим” деб айтган.

қилинмаган. Шунингдек, Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу) Набий (алайҳиссалом)дан ривоят қилган: «Бирортангизнинг идишини ит яласа, уни етти марта ювсин, биринчисини тупроқ билан» ва у кишидан мушук ва ит теккан идишларни тозалаш тўғрисида сўралганда «Уч марта ювилади» деб жавоб берган, амалда ўзи ҳам шундай қилган. Бу билан у киши бу масалада ривоят қилган ҳадис ўз амалига хилоф бўлгани учун ҳужжат саналмади. Ҳанафийлар бу борада «Саҳобанинг амали ҳадисига зид келса, амали олинади» деган қоидани ишлаб чиққанлар (Pazdaviy, 2016, p. 438).

Мужтаҳид имомлар фатво беришдаги услуби қуйидагича тартибда юзага келган:

1.Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадислар, саҳоба ва тобиъинларнинг сўзларига таяниш.

2. Қуръон ва ҳадисдан истинбот қоидалари, тизими билан ҳукм чиқариш.

3. Битта мавзуда Расулуллоҳ (с.а.в.)ворид бўлган ҳадислар мазмуни бир қарашда турлича бўлиб қолса, саҳобаларнинг сўзларига таяниш.

4. Агар саҳоба ва тобиъинларнинг сўзи ҳам турлича бўлса, ҳар бир олим ўз диёридаги уламолар сўзига таяниши лозим саналган. Сабаби ҳар бир олим ўз диёридаги олим сўзларини яхши танийди, унинг ўзига хос усулини тўлиқ билади ва унинг фазилати, илмини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис этади. Жумладан, Умар ибн Хаттоб, ҳазрати Усмон ибн Аффон, Ибн Умар, Ибн Аббос, Зайд ибн Собит, ҳазрати Оиша (розияллоҳу анҳум)лар ва уларнинг шогирдлари сўзи ва қарашлари Мадина аҳлига муносиброқ. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ва у кишининг шогирдлари мазҳаби, ҳазрати Алий, Шурайҳ, Шаъбийнинг ҳукмлари, Иброҳим Нахаъийнинг фатволари Кўфа аҳли учун муносиброқ.

ТАҲЛИЛ

Бир диёр уламолари бир фикрга иттифоқ қилган бўлишса, мужтаҳидлар уни маҳкам тутган, ихтилоф қилишган бўлса, мужтаҳидлар солиштириб кучлироғини олишган. Аммо бирор масалада улардан нақл бўлмаса, ўзлари ижтиҳод қилиб, ишоралар ва тақозога кўра иш кўришган. Ушбу кейинги авлод мужтаҳидлари фиқҳни китоб шаклида жамлашга эришди. Мадинада Имом Молик ва Муҳаммад ибн Абдурраҳмон, Маккада Ибн Журайж ва Суфён ибн Уяйна, Кўфада Имом Саврий, Басрада Робиъ ибн Субайҳ фиқҳни таълиф қилдилар. Ҳанафийлардан китоб таълиф қилиш ва дарс беришда катта ишларни Муҳаммад ибн Ҳасан амалга оширди (Dehlaviy, 2015, p. 99).

Ҳар бир имомнинг ўзига етиб келган Қуръон ва суннат илми асосида шаклланган усулий қоидалари бўлиб, улар мазкур қоидалар асосида ижтиҳод қилган. Абу Ҳанифа ҳадисларни танлашда Қуръонга ва шариатнинг умумий қоидаларига мувофиқ бўлишини риоя қилган. Имом Молик, кўпроқ, Мадина аҳлининг амалига мувофиқ келишини назарда тутган. Имом Шофиъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал эса, ҳадиснинг ривоятдаги қувватини муқаддам қўйишган.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)нинг Фотима бинт Қайснинг Расулуллоҳдан ривоят қилган сўзини инкор этиб, оятга амал қилгани, Оиша розияллоҳу анҳо ўлик ортидан қолган аҳлининг йиғиси сабабли азобланишини инкор қилиб, «Ҳеч ким ўзганинг юкини кўтармас» (Исро сураси, 15-ояти)ни далил қилганларини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг йирик олими Муҳаммад Ғаззолий «Ассунна аннабавийя байна аҳли-лҳадиси ва-рраъй» асарида қуйидагиларни айтган: «Бизнинг замонамизда ҳадиси набавий ҳимояси номи билан фуқаҳо имомларга нисбатан тил чўзадиган нобакор ёшлар пайдо бўлди. Ваҳоланки, фуқаҳолар суннатдан тойган эмаслар, санади саҳиҳ, матни саломат бўлган ҳадисга беписандлик ҳам қилган эмаслар. Уларнинг қилган ишлари баъзи ривоятлардаги иллатларни кашф қилиб, уни илмий асосда рад қилганлари ҳамда умматни энг тўғри сўзга, энг ҳидоятли йўлга иршод қилганлари бўлган, холос.

Шунинг учун ҳам Ислом фиқҳи уламолари энг аввало, Қуръонга суянган кенг кўламли ижтиҳод асосида аҳкомларни ўрнатган, ривоятлар тўпламидан унга мувофиқ келганини қабул қилган, акс ҳолда, Қуръон эргашишга ҳақлироқ бўлиб қолган. Биз бу билан саҳиҳ дейиш мумкин бўлган ҳадисни заиф демоқчимасмиз. Биз ҳадисга Қуръоннинг узоқ ёки яқин далолати қўрғони ичида амал қилинишига тиришамиз, холос. Саҳиҳ ҳадис шоззлиги ёки зарарли иллати сабабидан, агарчи санади саҳиҳ бўлсада, саҳиҳлигини йўқотади (G’azzoliy, 1996, p. 126).

Фақиҳларнинг ихтилофлари шариатнинг мағзида бўлган эмас, балки, жузъий масаларада бўлган. Хусусан, Ҳайит намозидаги ташриқ такбирлари, Ибн Аббос ва Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳум)ларнинг ташаҳҳуд, басмала ва «амин»ни жаҳрий ёки маҳфий айтиш, иқоматни иккитадан ёки биттадан айтиш каби икки хил амаллари фақиҳларнинг икки қавлдан бирини устун қилиш юзасидан бўлган. Бирини жоиз, иккинчисини ножоиз санаш маъносида эмас. Ўтган олимлар

ихтилофлари ҳам, икки ишнинг афзалини танлашда бўлган, шариатнинг асосида эмас (Dehlaviy, 2015, p. 485).

Доктор Ваҳба Зуҳайлий ўзининг машҳур «Ал-фиқҳ ал-исламий ва адиллатуҳу» китоби биринчи жилдида фақиҳлар орасидаги ихтилофнинг сабабларини баён қилишга киришар экан қуйидаги ихоҳни келтирган: «Исломий мазҳаблардаги ихтилоф уммат учун осонлик ва раҳматдир. Қонунчиликдаги бундай бой мерос биз учун азизлик ва ифтихор, айни пайтда, асос ва эътиқодларда эмас, фақатгина жузъий ва амалий-ижтиҳодий, маданийфиқҳий масалалардаги турлиликнинг манбаидир» (Zuhayliy, 2007, p. 48).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда фақиҳлар «рафъул ядайн», ҳайвонлар теккан идишларни тозалаш масаласи ва умуман, ислом ҳуқуқидаги барча масалаларни тартибга солишда икки-учта ҳадис билан чекланиб қолишмаган, балки ҳар бир мавзуга якуний ечим – ҳукм беришда мазкур мавзуни Пайғамбар давридаги ривожланиш жараёни ва диннинг умумий мезонлари, тамойиллари, мақсадларини таҳлил қилиш орқали якуний хулосага келишган. Жумладан, «рафъул ядайн» масаласида намоз умуман хотиржамлик ва Аллоҳнинг олдида хокисорлик билан туриш асосига қурилгани, шунга кўра ҳукмлари борган сари қатъийлашиб, кўпгина эркин ҳаракатлардан чеклангани этиборга олинган.

Идиш теккан идишларни тозалаш масаласида Набий (алайҳиссалом) жоҳилият даврида инсонларнинг итларга боғланиб қолишини ўнглаш учун итлар масаласида қаттиққўлликдан енгилликка босқичма-босқич ўтилган. Даставвал итларни мутлоқ ўлдиришга, кейинчалик фақат қора қопағон итни ўлдиришга буюрганлар. Кейинчалик ов ити, кўриқловчи ва чўпон итларни боқишга рухсат берганлар. Ушбу жараёнлар етти марта ювиш итларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилаётган аввалги вақтда бўлгани, кейинроқ ҳукм уч мартага ўзганини билдиради. Ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқлаш ва ундаги сўзларни тушуниш – ривоят илми бўлиб, ҳадислардан шаръий ҳукм олиш бошқа бир илмнинг – фиқҳ ва усул ал-фиқҳ илмининг мавзуси ва фақиҳларнинг ишидир. Мусулмон уммати ҳадислардан ҳукмлар тўғридан-тўғри эмас, балки муайян қоида ва тартиб асосида олинишига иттифоқ қилишган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бадахшоний, М. А. (2015). Тайсир Усул ал-фиқҳ. Мадина: Мактаба дор аз-замон.
2. Деҳлавий, С. В. (2015). Ҳужжатуллоҳ ал–балиға. Мадина: Мактаба дор аз-замон.
3. Ғаззолий, М. (1996). ас-Сунна ан-Набавия. Қоҳира: Мактабаъа ас-саъада.
4. Паздавий, Ф.-и. А. (2016). Усул ал-Паздавий. Мадина: Дор ас-сирож.
5. Таҳовий, А. Ж. (1997). Шарҳу Маъонил осор. Байрут: Дор ал-кутуб илмия.
6. Таҳовий, А. Ж. (2005). Шарҳ маъонил асар. Байрут: Дорл кутуб илмия.
7. Усмоний, З. А. (1984). Қоваид фи улум ал-ҳадис. Байрут: Мактаба маьбуъа ал-исламия.
8. Зуҳайлий, Д. В. (2007). Ал-фиқҳул¬исламий ва адиллатуҳу. Байрут: Дор ал-фикр.
9. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrul islam al-pazdavi's" usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143
10. Gaybullaev, S. (2022). Historiography of the study of Fakhrul-Islam Pazdavi's scientific legacy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1060-1063. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-86 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.86

REFERENCES

1. Badaxshoniy, M. A. (2015). Taysir Usul al-fiqh. Madira : Maktaba dor az-zamon.
2. Dehlaviy, S. V. (2015). Hujjatulloh al¬balig'a. Madina : Maktaba dor az-zamon.
3. G'azzoliy, M. (1996). as-Sunna an-Nabaviya. Qohira : Maktaba'a as-sa'ada.
4. Pazdaviy, F.-i. A. (2016). Usul al-Pazdaviy. Madina : Dor as-siroj.
5. Tahoviy, A. J. (1997). Sharhu Ma'onil osor. Bayrut : Dor al-kutub ilmiya.
6. Tahoviy, A. J. (2005). Sharh ma'onil asar. Bayrut : Dorl kutub ilmiya.
7. Usmoniy, Z. A. (1984). Qovaid fi ulum al-hadis. Bayrut : Maktaba maьbu'a al-islamiya.
8. Zuhayliy, D. V. (2007). Al-fiqhul¬islamiy va adillatuhu. Bayrut : Dor al-fikr.
9. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrul islam al-pazdavi's" usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143
10. Gaybullaev, S. (2022). Historiography of the study of Fakhrul-Islam Pazdavi's scientific legacy. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1060-1063. Soi : http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-86 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.86